



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 3-sentyabr • № 36 (4071)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Хурматли меҳмонлар!
Бугун гўзал ва бетакрор юртимизда буюк айём, катта тантана. Халқимиз асрлар давомида озиқиб кутган ўз миллий мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини балан раҳ ва хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улғу, энг азиз бўлган ана шу байрам билан сиз азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.
Азиз дўстлар!
Бугун, шу кутлуғ айём арафасида Ватанимиз озодлигига эришиш, ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмасдан, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, юртимиз бойлиқларига, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликни мустақамлаш йўлида халқимиз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтгани беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик.

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, ҳолисона бир хулосага келишимиз табиийдир.

Яъни, бундан ўн тўққиз йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очик фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодий-иқтисодий кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳоли-миз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз яққо ягона тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг исботини аввало шу юрда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисолида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида яққол кўриши мумкин.

Бунинг тасдиғи сифатида ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий — иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарама-қаршидан, Ўзбекистон дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини намойён этмоқда.

Охириги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутилаётганининг ўзи кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган марраларни ўзимизга тасаввур қилиш учун кўйидаги рақамларга келишимиз ўринли деб биламан.

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи эса шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 қаррага кўпаяди.

Яна бир рақам — Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва гамхўрлик кўрсатиш узлуқсиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолиимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йилгирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Ҳаммамиз яқин тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайнида эришиб бўлмайди.
Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритганмиз.

Шунинг учун бу мўътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юрдошимиз бу ютуқлардан гурурланиб-фахрланиб яшашга тўла ҳақлидир.

Қадрли юрдошларим!
Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир. Бунинг учун ўз

моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бирига тенг, бир-бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифани амалга ошириш бизнинг доимий эътибор марказимизда туриши зарур.

Биринчидан, иқтисодий-иқтисодий таркибий ўзгаришларни ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсишимиз ва технологик ривожланишимиз суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳолиимиз фаровонлигини муносиб даражага кўтаришдир.

Иккинчидан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашни, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттиришдир.

Биз бугун мана шундай буюк мақсадларни олдимизга кўяр эканмиз, чуқур англаб олишимиз зарурки, бундай орзу-интилиш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб олиб бораётган сиёсатимизнинг манфиқий ва қонуний давоми бўлиб, бутун халқимиздан тинимсиз меҳнат ва куч-ғайратни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиятимизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кеңираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссийёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим — мана шу мухташам майдонга чирой бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч қимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодди ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Мамлакатимизда 2010 йилга "Баркамол авлод йили" деб ном берганимизнинг ўзи айнан шундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, яна бир қатъий қадам бўлиб қолажак.

Ишончим комил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдики, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачигидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада мустақамлашимиз даркор.

Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай қўллардан доимо сезгир, оғоҳ ва ҳушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон ҳам-жамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустақамлашни биз ҳаммизга энг долзарб вазифа деб билганмиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам қўраётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, мухтарам меҳмонларимизга халқимиз номидан хурмат-эҳтиром билдириб, дунёдаги барча дўсту ҳамкорларимизга самимий салом ва тилақларимизни йўлашга руҳсат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни Мустақиллик байрами яна бир бор кутлар эканман, авваламбор, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаётган, эзгу ишларимизга ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Билимлар байрами қувончлари. А.Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат.

ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛДА ЎН ТЎҚҚИЗ КИТОБ

— Мустақиллик сенга нима берди? Сен мустақилликка нима бердинг?

Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг кўнглидан ўтаётган ушбу аънаваный саволни ўзимга берарканман, мустақилликнинг менинг ҳаётимдаги афзалликларини янада яққолроқ кўргандек бўламан. Бир мисол: ўзининг қирқ йиллик ижодий фаолиятим давомида йигирма бешта китоб нашр этдим. Шуларнинг ўн тўққизтаси мустақиллик даврида дунё юзини кўрган. Яъни ўн тўққиз йилда ўн тўққиз китоб.

Истиқлол — менинг тақдиримда

давомида атиги олти китоб нашр эттирган бўлсам, ўн тўққизта китобим мустақиллик даврида ўқувчилар кўлига етиб борибди. Мустақиллик даврида яна тўртта бадиий филмм ("Танка", "Ўғри", "Қурорт", "Қўшниллар") экран юзини кўрди, 1994 йилда "Бир қўш" номли илк

этиришдан, асарини халққа намойиш қилишдан каттароқ бахт йўқ. Қарангки, шўро давридаги йигирма бир йиллик ижодий фаолиятим

комедиям Ўзбек Миллий академик театри сахнасида қўйилди. Бу менинг ҳаётимдаги катта воқеалардир. Чунки шу давргача бирорта қоралқоқ драматургининг асари ўзбек театрида қўйилмаган. Албатта, бу ҳам мустақиллик

тилига таржима бўлди. "Танка" номли бадиий филмм экранга чиққанидан буён Ўзбекистон телевидениеси орқали доимий равишда намойиш этилмоқда.

Энди ўзимнинг ўзимга берган саволимга жавобан шундай дейман — Мустақиллик менга сўз эркинлигини, эркин фикрлаш имкониятини берди, мен эса мустақиллигимиз шукронаси сифатида китобхонларга ўнлаб асарларимни тўхфа қилаяпман.

Муродбой НИЗОНОВ,
ёзувчи, Бердак номидаги давлат мукофоти соҳиби

ҚЎШ БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Астойдил интилсанг, омад ва бахт кўша-кўша келади, деганларни рост экан. Бу йил мен учун шундай қувончли лаҳзаларга бой бўлди. Аввало, йил бошидан жиддий тайёр-гарлик кўриб тайёрлаган концерт дастуримни май ойида "Истиқлол" концерт саройида мухлисларга тақдим этдим. Мухлислар билан юзма-юз учрашувлар санъаткор учун ҳаммизга катта сабоқ бўлади. Қайси қўшиқ мухлисларга кўпроқ ёқди, томошабин кўпроқ нимага эътибор беряпти, дастурни қандай бойитиш мумкин, деган саволларга бундай концертлардан сўнг, албатта, муайян жавоб топилади.



Давоми иккинчи саҳифада

Навқирон авлод сўзи

1. Сиз ижод моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Бугунги ижодий жараёнга муносабатингиз?
3. Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни нима билан белгиланади? Бу жараёнда ўзингиз ва тенгқурларингизнинг иштирокини қандай баҳолайсиз?

Раҳим МИРЗАКАМОЛОВ;
Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри солисти, халқаро танловлар совриндори.

5

ИЖОД — БУ ҲАЁТ

Азиз газетхон!

Севимли газетангиз — "ЎЗАС"га обуна давом этмоқда. Обуна ҳар ойнинг ўнинчи санасигача расмийлаштирилса, келгуси ойдан бошлаб ижодий мулоқотимиз давом этаверади. "Ўзбекистон адабийоти ва санъати" хонадонингизга ёз ҳароратини, куз тўққизчилигини олиб кирсин!

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 8 сентябр, чоршанба кўни 15.00 да Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида «Онажоним — шевърия» тўғрагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотга барча қизиққанлар тақлиф этилади.

Манзил: «Ўзбекистон» кўчаси, 16 * уй, 6 қават

Дунёнинг фалсафий тафаккур дурдоналарини қанчалик ўрганмагил, осойишталик, хотиржамлик, тинчликдан ўзга бахт-иқбол йўқлигига иймон келтирасиз. Хуррият, эрк ва озодликдан қадди юксалган юртимиз шуқуҳи ҳақида гап кетганда, истиқлолнинг бир қаноти тинчлик бўлса, яна бир қаноти фаровонлик эканлигини тираган ҳис эта бошлайсиз. Бугун энг улуг, энг азиз айём танта-наларига чоғи ҳозирги тинч ва осойишта кунларимизга қанчалик шукрона айтсак, бу ҳақда юракни ўртага қўйиб қанчалар ёвасак-да оз!

Инсоннинг бахти, саодати нимада? Унинг кўнгил хотиржамлигида, оиласининг осойишта, юртининг тинчлиги ва тўрт мукаси соғ-омонлигида эмасми? Оёгинг остида бир парча замин — она тупроқ, бошингда осуда осмон. Бола-чақанг бағрингда. Яшайсан, меҳнат қилаёсан, ризку рўзинг бут — топаннинг ҳалол. Энг муҳими, Ўзбекистон дая аталмиш Ватанинг бор.

Табиат ато этган қудратни кўринг, ҳатто куш ҳам ўз уясини ҳимоя қилади, ҳаёт-мамонтини тикиб бўлса-да, инини сақлаб қолишга уринади. Нима бу — қушларга хос инстинкти? Яратган ҳатто қушнинг ботинига ҳам ўз уясини, мўъжазини маконини асраш, унга жон фидо этиш туйғусини сингдирганими?

Айрим ўсимликларни бошқа жойга олиб бориб эксангиз кўкармайди, бир тоғда ўсган гулларнинг ҳам ўз Ватани, ўз макони бор.

Олий мавжудот, онг-шуур, идрок ва тафаккур соҳиб Иносонда эса, Ватан туйғуси, она тупроқ, ота макон тушунчаси нафақат қалбда, бутун борлигида мужассам бўлади. Она Ўзбекистон фарзандларининг нафа-

қат юраги, балки чеҳра ва қиёфасида ҳам юртининг ҳарорати ва таровати акс этиб туради. Юртимизнинг кўркам боғдай яшнаётгани, ҳаётимиз юксалаётгани, бугунги бунёдкорлигимиз, умуман осойишталигимизнинг мазмун-моҳияти нимада? Жавоб аниқ — Тинчлик! Ахир тинч элнинг боғи гуллайди-да! Биздаги тинчлик ва осойишталик Юртбошимиз раҳнамоли-

гимиз керакки, ягона Ватанимизнинг равақли, юртимиз тинчлиги ва фаровон келаётиши фақатгина ўзимизнинг қўлимиз-додир".

Одамзотнинг орзулари кўп бўлади. Бироқ ҳамма орзу ва неъматларга тинчлик боис етишади. Агар унинг юртида тинчлик бўлмаса, у ҳеч қачон ҳеч нарсага эришолмайди. Халқлар ҳам шундай, мамлакатлар ҳам.

Баъзи ҳолларда матбуот ва эфир ҳам терроризм хайрихоҳлари қўлидаги қуролга айланб бораётгани сир эмас. Улар ўз "хўжайин"лари истагини бажо келтириб, буюртмасини бажо қилиб, қўлида уйинчоққа айланади. Баъзи бир хорижий ОАВ пулни мен берман, сен айтганимни ёзсан ёки эфирга узатсан деган буйруқ олдида бош эгиб, ташки қилар алоҳида ялтоқлик қиладилар. Йўқ, улар ҳақиқатни ёзишдан манфаатдор эмас. Чунки ҳақиқат уларнинг асл муддаосига, манфаатига тўғри келмайди. Тинчлик ва хотиржамликка қўқу солишининг ана шундай йўллари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Кишини бир нарса таажубга солади. Наҳотки, яқин ўтмишда атом бомбаларига чўзилган кўлар бугун матбуот минбарига тирмашиб, уни хавфли қуролга айлантиса? Бу ҳақда сўз борар экан, Президентимизнинг: "... бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, қўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниятда қийин", — деган фикрлари бизни, ҳар биримизни чуқур мулоҳазага чорлайди.

ТИНЧ ЭЛНИНГ БОҒИ ГУЛЛАР

ёхуд Ватандан ташқарида Ватан йўқдир

Давлатимиз раҳбари деярли барча йилларда, вилоятларга қилган сафарлари чоғида халқимиз билан юзма-юз учрашган кезлари давлатимиз, халқимиз олдида турган ўта муҳим вазифа — турли хил таҳдидларга қарши курашиш, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлигини асрашдан иборат эканини алоҳида таъкидлаш бежиз эмас.

Бугун сиз ва бизни, барчамизни осойишталикни асрашдек муқаддас ва олий туйғу жиқлаштириши лозим.

Бугун ахборот бўронлари ҳаёт оқимини турли ўзгаришга қўриб юбораётган суронли даврда яшаймиз. Дунёни мафкура ва ахборотлар хуружи ларзага солиб турибди. Бирор ерда бирор воқеа юз берса, ўша воқеани ўз манфаати йўлида тексари шарҳлаб, воқеликка ўз сиёсати нуқтаи назаридан ёндашаётган, ёлғонни ямламай ютаётган баъзи хорижий ОАВ жаҳон жамоатчилиги фикрини чалғитишга зўр бериб уринаётганидан кўз юмолмаймиз.

Бугун ахборот бўронлари ҳаёт оқимини турли ўзгаришга қўриб юбораётган суронли даврда яшаймиз. Дунёни мафкура ва ахборотлар хуружи ларзага солиб турибди. Бирор ерда бирор воқеа юз берса, ўша воқеани ўз манфаати йўлида тексари шарҳлаб, воқеликка ўз сиёсати нуқтаи назаридан ёндашаётган, ёлғонни ямламай ютаётган баъзи хорижий ОАВ жаҳон жамоатчилиги фикрини чалғитишга зўр бериб уринаётганидан кўз юмолмаймиз.

Бугун ахборот бўронлари ҳаёт оқимини турли ўзгаришга қўриб юбораётган суронли даврда яшаймиз. Дунёни мафкура ва ахборотлар хуружи ларзага солиб турибди. Бирор ерда бирор воқеа юз берса, ўша воқеани ўз манфаати йўлида тексари шарҳлаб, воқеликка ўз сиёсати нуқтаи назаридан ёндашаётган, ёлғонни ямламай ютаётган баъзи хорижий ОАВ жаҳон жамоатчилиги фикрини чалғитишга зўр бериб уринаётганидан кўз юмолмаймиз.

Бугун ахборот бўронлари ҳаёт оқимини турли ўзгаришга қўриб юбораётган суронли даврда яшаймиз. Дунёни мафкура ва ахборотлар хуружи ларзага солиб турибди. Бирор ерда бирор воқеа юз берса, ўша воқеани ўз манфаати йўлида тексари шарҳлаб, воқеликка ўз сиёсати нуқтаи назаридан ёндашаётган, ёлғонни ямламай ютаётган баъзи хорижий ОАВ жаҳон жамоатчилиги фикрини чалғитишга зўр бериб уринаётганидан кўз юмолмаймиз.

Бугун ахборот бўронлари ҳаёт оқимини турли ўзгаришга қўриб юбораётган суронли даврда яшаймиз. Дунёни мафкура ва ахборотлар хуружи ларзага солиб турибди. Бирор ерда бирор воқеа юз берса, ўша воқеани ўз манфаати йўлида тексари шарҳлаб, воқеликка ўз сиёсати нуқтаи назаридан ёндашаётган, ёлғонни ямламай ютаётган баъзи хорижий ОАВ жаҳон жамоатчилиги фикрини чалғитишга зўр бериб уринаётганидан кўз юмолмаймиз.

Кўчкор НОРҚОБИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНИМ, СУЯНГАН ТОҒИМСАН!

“Ватанга қасамёд” ҳайкали қошида мунис она кўнглидан кечган ўйлар

Болам!
Онанг Сенга мурожаат қилмоқда!
Билгилки, орқанда буюк аждодларинг турибди.
Билгилки, орқандан издошларинг — келажак авлод келмоқда.

Билгилки, тепангда Тангрим кузатиб турибди!
Қаршингда эса Мен — Онанг — Ватанинг турибди.
Билгилки, атрофда дўст ҳам бор, душман ҳам.

Билгилки, Ватанин ҳимоя қилиш — мард ўғлоннинг иши, аскар болам.
Билгилки, туйғуларнинг энг муқаддаси — бу Ватан туйғусидир.

Билгилки, Ватан туйғуси — бу азиз Ватанимизни пешона тери билан обод ва маъмур этган, лекин номлари тарих саҳифаларида қолмаган оддий кишиларнинг фидокорона ва яратувчан меҳнатини мудом ёдда тутишдир.

Билгилки, Ватан туйғуси — бу ўз ақл-идроки билан жаҳон цивилизациясига ўлкан ҳисса қўшган Мусо Урозравий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари ўнлаб қомусий мутафаккирларни ёдга олишдир.

Билгилки, Ватан туйғуси — бу юксак бадий салоҳияти билан ўлмас асарлар яратган адиб Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Носириддин Рабғуний, Алишер Навоий каби мумтоз қалам соҳибларини ёдга

олишдир.
Билгилки, Ватан туйғуси — бу бутун ислом дунёси эътироф этган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурдий, Маҳмуд Замахшарий,

лиқка олиб чиқиб, дунёга танинган соҳибқирон Амир Темур бобомизни ёддан қўямасликдир.

Билгилки, Ватан туйғуси — бу 1991 йилнинг 31 августида муҳтарам Юртбошимиз етакчилигида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилиб, янги ҳаёт қуриб келаётган замондошларимизни шарафлашдир.

Билгилки, Ватан туйғуси — бу азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишдир.

Болам, сен ва мен, барча замондошларимиз кўприкми: кечани бугунга, бугунни эртага боғлаб турибмиз. Бу зиммамизга катта масъулият юклайди. Эртамиз қандай бўлиши бизларга боғлиқ. Биздан озода ва обод Ватан қолиши керак. Сен аскарсан. Ватаниннинг ҳимояси сиз аскарларга боғлиқ. Ўзбекистон азал-азалдан йўлбарз юракли йигитларнинг шонли бешли бўлиб келган. Томирларингда улуг лашкарбошиларнинг қони оқмоқда. Буни доимо ёдингда тут — шиқоатли бўлурсан! Зотингда улугворлик, жаҳондорлик бор. Қоматингнинг тик тут, қўрагингни кериб юр, мағрур бўл! Чунки сен Ўзбекистон йигити, менинг боламсан.

Мустаҳкам қўрғоним, суюнган тоғимсан. Шунинг учун тинч, хотиржамман.

Билгилки, Ватан туйғуси — бу азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишдир.

Болам, сен ва мен, барча замондошларимиз кўприкми: кечани бугунга, бугунни эртага боғлаб турибмиз. Бу зиммамизга катта масъулият юклайди. Эртамиз қандай бўлиши бизларга боғлиқ. Биздан озода ва обод Ватан қолиши керак. Сен аскарсан. Ватаниннинг ҳимояси сиз аскарларга боғлиқ. Ўзбекистон азал-азалдан йўлбарз юракли йигитларнинг шонли бешли бўлиб келган. Томирларингда улуг лашкарбошиларнинг қони оқмоқда. Буни доимо ёдингда тут — шиқоатли бўлурсан! Зотингда улугворлик, жаҳондорлик бор. Қоматингнинг тик тут, қўрагингни кериб юр, мағрур бўл! Чунки сен Ўзбекистон йигити, менинг боламсан.

Мустаҳкам қўрғоним, суюнган тоғимсан. Шунинг учун тинч, хотиржамман.

Мустаҳкам қўрғоним, суюнган тоғимсан. Шунинг учун тинч, хотиржамман.

Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон санъат арбоби,
драматург



ҚЎШ БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Бошланғичи биринчи саҳифада

Санъат аҳли учун энг катта мукофот — ижоднинг эътирофи этилишидир. Хукуматимиз ва Президентимиз томонидан эстрада санъати ва эстрада хонандалари ижодида берилаётган бундай юксак эътибор бизнинг зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Шу вақтгача репертуаримиздаги кўшиқларнинг матни маъноли, оҳанги имкон қадар миллий бўлишига ҳаракат қилиб келдим. Бунга яққон концертимда янграган "Полвоним ўзингиз", "Ўзбекона", "Бизникидир дунёлар", "Интизор", "Аёл", "Нетай", "Асарай" оласак севгимизни каби кўшиқларим мисол бўла олади.

Албатта, репертуар устидаги изланишларни давом эттиришим зарур. Ҳали кўшиқ муҳлислари олдида қарзларим кўп. Халқимиз биздан қадри баланд, мағзи тўқ кўшиқлар кутади.


Мамлакатимизда ёшларнинг ўқиши, ижод қилиши учун ҳар томонлама зарур шароитлар яратиб бе-

риляпти. Бу йилнинг "Баркамол авлод йили" деб номланишида ҳам катта ҳикмат бор. Баркамол авлод тарбиясига хизмат қилувчи яхши кўшиқлар яратиш биз хонандаларнинг асосий вазифамиз.

Ҳозир шоир, бастакор ва хонандалар ҳамкорлиги эстрада кўшиқчилигида янги имкониятлар очмоқда. Дарҳақиқат, ўзи шеър ёзиб, ўзи куйга солиб айтаётган билан санъат асарини яратилмайди. Ҳамма соҳанин ўз устали бор. Агар эстрада кўшиқчилигида соф профессионал санъатга эришмасак, эфирга ўртамиёна, саёз куй-кўшиқлар чиқиб кетаверади. Мен ва тенгдошларимнинг, санъатга эндигина кириб келаётган ёшларнинг асосий бурчи халқимиз маънавиятини бойитувчи, руҳига қувват бўлувчи, эзгуликка хизмат қилувчи кўшиқлар яратишдан иборатдир.

Лола АҲМЕДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Шодиёна...



(ЎЗА) олган суратлар.

Бухоронинг "Мавриги" фолклор-этнографик ансамбли Малайзияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда "Муסיқа ва рақс" номинацияси ғолиби бўлди.

Мамлакатнинг Кота-Кинабал шаҳрида ўтган аънанавий ижодий фестивалда қадимий муסיқа ва рақс санъатини намойиш этадиган 15 та халқ ансамбллари иштирок этди. Ориф Отаев раҳбарлигидаги бухорлик санъаткорларнинг чиқиши нафақат томошабинларни, балки ҳайрат аъзоларини ҳам ҳайратда қолдирди. Улар ижро этган қўшиқ ва рақслар қатори бетакрор миллий либреллар ҳам барчанин эътирофига сазовор бўлди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ёшлар ахборот-ресурс марказида Ватанимиз му-

стақиллигининг 19 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди. "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шiori остида ўтказилаётган мажмуи кўргазмада бадий, илмий адабиётлар, журнал ва рангли фотоалбомлар намойиш этилмоқда.

Кўргазмада Президентимиз Ислам Каримов асарлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мавзудаги адабиётларга кенг ўрин берилган. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолияти ва бебаҳо маънавий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи адабий-тарихий китоблар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. "Баркамол авлод — юрт келажаги" бўлиминда ёшлар ҳаётини акс эттирувчи адабиётлар, фотосуратлар жой олган.

"Туркистон-пресс"

КИТОБ — БАРКАМОЛЛИК ТИМСОЛИ

Аждодларимизнинг бебаҳо адабий бойликлари, илмий мероси китоб шарафати билан бизгача етиб келган. Зотан, билим ва тажриба, юксак тафаккур, табиат ва ҳаёт қонунларига доир кашфиётлар китоб орқалигина авлодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтган. Комил инсон тарбиясида китоб муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик байрами арафасида Ёшлар шаҳарчасида янги китоб маркази очилишига бағишланган анжуманда шу ҳақда сўз борди. Шаҳарча хокими Рўзимурод Чориев ушбу китоб маркази энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида, янги ўқув йили олдида устозлар ва китобсевар талабаларга тўхфа сифатида очилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид ёш ижодкорлар истеъдодини ўстиришда мумтоз адабиёт ҳамда устоз адибларнинг асарлари муҳим дустуриламал эканлиги, бу жиҳатдан янги китоб маркази муҳим маърифат даргоҳи бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Мазкур китоб маркази пойтахтимиздаги ўн иккита наشريёт билан ҳамкорликда иш юритиш учун шартнома тузган. Нашриётлар ўз навбатида китоб марказини янги бадий ва илмий адабиётлар, дарслиқлар билан таъминлайди. Марказ қошида электрон кутубхона мавжуд. Талабалар илм олишининг замонавий воситаларидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов китоб марказининг очилишидаги анжуманда сўзлаб шундай деди:

"Биз ҳам Ёшлар шаҳарчасидаги до-

рилфунда сабоқ олганмиз. Эскича-сига айтганда мадраса тупроғини ялаганмиз. Шу ерда талабалик йилларимиз ўтган. Бу даргоҳда биз умрбод талаба бўлиб қоламиз. Биз ўқиган пайтларда китоб ягона илм манбаи эди. Ҳозир илм манбалари кўп. Радио, телевидение, кино, компютер, интернет ва ҳоказо. Ушбу воситалар орқали ёшлар ўз билимларини оширомоқда, жаҳонни ўрганмоқда, оламни идрок этмоқда. Айни пайтда интернет орқали дунё билан мулоқот қилишмоқда.

Бироқ мен бадий китоб мутлаасидан олган завқу шавқни илм манбаининг бошқа ҳеч қайси турида ҳис этмаганман. Ҳеч нарса китобнинг ўрнини боса олмайдди.

Ёшлар шаҳарчасида китоб маркази очилгани бизни қувонтирди. Бу даргоҳдан илм толибларининг қадами узилмайди. Китоб марказининг мустақиллик байрами арафасида "Баркамол авлод йили"да очилишига рамзий маъно бор. Модомики, китоб баркамоллик тимсоли экан, бу ердаги китобларни ўқиб, ёшларимиз ҳар томонлама камол топиб бораверади".

Ёшлар шаҳарчасида олтмишдан зиёд Зулфия мукофоти соҳиблари илм олишади. Зулфия қизлари номидан Сарвиноз Бекбўтаева сўзга чиқиб, илм ва ижод соҳасида ёшлар устозлар ишончини албатта оқлашини, айни пайтда Ватан олдидаги масъулиятни ҳам унутмасликларини айтди.

Илм толиблари учун Ёшлар шаҳарчасидаги янги китоб марказининг эшиклари ҳамиса очик. У ердан истаган китобингизни топишингиз мумкин.

Рустам МУСУРМОН

Ёзувчилар уюшмасида

ИСТИҚЛОЛ ВА ШЕЪРИЯТ

Шоир ўз халқининг тили ва виждони ҳисобланади. Унинг учун халқ бахтини, Ватан равнақини тараннум этишдан ҳам юксакроқ шараф бўлмас керак.

Мана сал кам йигирма йилки истиқлол юртида яшаймиз. Истиқлол бизга аввало эркинлик, демократик инсондек яшаш ҳуқуқини бери. Тилимиз, ўзгиримиз дахлсизлигини таъминлади. Азалий қадриятларимиз қаламба-қалам тикланди. Бундай буюк ўзгаришлар, эврилишлар замондош ижодкорларимиз асарларида ҳам ўз инъикосини топмоқда. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган байрам мушоирасида янграган шеърларда ана шундай шукрона, кўтаринки руҳ етакчи қилди. "Бу муқаддас ватанда азиздир инсон" мавзусида бўлиб ўтган мушоирда Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло, Ойдин Ҳожиёва, Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, таниқли шоирлар Ҳусниддин Шарипов, Омон Мухтор, Азим Сулқон, Хайдар Муҳаммад, Қутлибека, Турсун Али, Ақбулмажид Азим, Ашуралӣ Боймурод, Янгитой Қўчқоров, ёш ижодкорлар Назира Боймуродова, Ойдинисно, Инобат Суртобегим ва бошқалар ўзларининг Ватан, истиқлол, эрк ва озодлик мавзусидаги янги шеърлари билан иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

Мақоламиз Машраб ва "Мабдаи нур" асари муаммосига оиддир. Бу масалаги икки сабабга кўра тўхталдик. Аввало, Ҳерда Ҳенкел жамғармаси билан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти юзасидан қўрилган кўчма кўра тўхталдик. Аввало, Ҳерда Ҳенкел жамғармаси билан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти юзасидан қўрилган кўчма кўра тўхталдик.

тиш мақсадида мақкур асарларнинг 19 кўчма нусхасини тўплаган. Уларнинг кўчма нусхасини тўплаган. Уларнинг кўчма нусхасини тўплаган. Уларнинг кўчма нусхасини тўплаган.

киши мақкур асарларнинг Бобораҳим Машрабга тегишли эканини матбуотда исботлашга тушиб кетди. Мақолаларининг кўчма нусхасини тўплаган. Уларнинг кўчма нусхасини тўплаган.

адабиётларда бу шахс ҳақида деярли маълумот учрамайди. Поён Равшанов уни оддий бир зиёли киши, қишлоқ муллеси бўлса керак, деб таъмин қилади. Шойриннинг ўзи эса, бу устози тўғрисида "Таркиббанди Хофиз Рўзобой" (УЗР ФА ШИ 5735-2-рақамли тошбосма) асарида шундай ёзади:

Бор эди бир шайх гуё ул манга мавло эди, Исмни поки Ёрмухаммад, Соҳибни тақво эди, Гуҳари кўзидин ниҳону илмга дарё эди, Кони Соҳибзодадин чиққан дурри якто эди, Ҳам азал боғида бир сарви баланд, боло эди, Ҳам қори эрди мулла, дийдаси аъмо эди, Пок таъво ҳам расо ва оқиқи шайло эди, Хавфи Ҳақдин йиллаган шаръ аҳлига устод эди, Жумла бир-бир ерни остига жо бўлди дариг.

Халифа Ёрмухаммад Насафийнинг Рўзобой Машрабга ота томондан хеш экани ҳақида Қашша қишлоғидан озгача ривоятлар эшитдик. Айтишларича, у мақкур қишлоқда яшаган экан. Лекин қабристонда у кишининг қабри ё шунга ўхшаш бирор белги топилмади. Қишлоқ аҳлида ҳам бирор ёзма маълумот сақланиб қолмаган. Шу сабабдан ҳозирча бу ривоятларни ишончли, дейиш қийин. Лекин тадқиқотларда уларнинг ҳам фойдаси тегиб қолиши мумкин.

Шайхнинг суюкли одатларидан бири ибодатдан кейин Қуръони карим тилловати, унинг изидан бирор ширроли овозга эга ва ёқимли оҳангга солиб ўқий оладиган ҳофизга "Маснавийи шариф"ни ўқитиш эди. Ундан сўнг ўзи Маҳдуми Аъзамийнинг "Рисолаи самъоний" асарини ўқиб, унинг мазмунини ўтирганларга шарҳлаб бераркан. Бу рисолада раҳмоний ва шайтоний оҳанглар, самъоний хосияти, оҳанглардан баҳраманд бўлиш йўл-йўриқлари каби

Тадқиқот, ахборот

Демак, мавжуд маълумотлардан халифа Ёрмухаммад Насафий 1790—1795 йиллар атрофида муҳаддидай-нақшбандий тарикатининг муриши сифатида Қарши, Косон, Қасби ҳудудларида фаолият бошлагани маълум бўлади. Рўзобой Машрабнинг "етти ёшдан баъзрат эмам" сатрларига эътибор қаратадиган бўлсак, шoir худди ўша 1790—1800 йиллар оралиғида ундан илк тариқат сабоғини олади. 1800—1801 йиллари Қаршига унинг бўлажак иккинчи устози кўчиб келади.

ҳолатлар ҳақида гап боради. Жумакули Ургутий 20 ёшида қиска фурсат ушбу шайх хизматида бўлади. Халифа Сиддиқ х. 1210 йили (м.1795-1796) вафот этади (Тарихи Хумулий. УЗР ФА ШИ 37-5- рақамли кўёзма). Унинг қабри Даҳбеддаги шайхлар қабристонининг шимолий тарафида, боғлар орасида жойлашган. Шогирдларидан халифа Хусайн, Зокирхожа шайхулислом Наманганӣ ва Абдурахмон маҳдум (ўғли) унинг ишларини давом эттириб, ўз даврида шўҳрат қозонгани бир қанча манбаларда қайд этилган.

Бор эди шаб то саҳар бедор ҳам покиза ху, Шайх Сиддиқ эрди оти, нисбати эрди неку. Ҳам покиза ху, Шайх Сиддиқ эрди оти, нисбати эрди неку. Ҳам покиза ху, Шайх Сиддиқ эрди оти, нисбати эрди неку.

Халифа Сиддиқнинг пири шайх Саййид Мусо ибн Саййид Исо хожани Жумакули Ургутий "анвари олам ва қандили жаҳон", деб таърифлайди. У тоғаси Мирзо Муҳаммад Қоратоғий тавсияси билан Ҳиндистонга шайх Мийон Муҳаммад Обид хизматида боради. Айрим манбаларда эса, у Мирзо Жони Жонан билан танишиб қолиб, "шайх Мийон" хузурига боргани нақл қилинади. Рўзобой Машрабнинг бу силсиласи ҳам шу тариқа Ҳиндистонга, Сирҳинд мактабига бориб туташади.

Абдурахмон маҳдум тўғрисида нима биламиз? Илмий адабиётларда у кишининг "Даҳбеддан Қаршига кўчиб борган эшон" ҳамда "х. 1260 йилда вафот этган"и ҳақидаги қайд учрайдими, холос. 2005 йилнинг баҳор пайтида қарши шаҳри тарихий обидларини ўрганаётганимизда у кишининг қабрига дуч келдик. Абдурахмон маҳдум хонақоҳи кўрғона маҳалласида жойлашган зияратгоҳ экан. Бу тарихий мажмуа тарихийда хонақоҳ, минора, Бухоро ховуларига ўхшаш ховуз, хонақоҳнинг шимолий тарафида кичиккина қабристон ва қадимий ҳужраларнинг қолдиқ излари бор эди.

Халифа Сиддиқ вафотидан кейин Мусохон Даҳбедийнинг унчинчи халифаси Муҳаммад Амин Даҳбедий иршод маснадида ўтиради. У ўз даврида Эшон Пир лақаби билан машҳур эди. Абдурахмон маҳдум бир-икки йил унинг хизматида бўлади. Амир Хайдар тахтага ўтирғач, 1800—1801 йиллардан сўнг Эшон Пирни Бухорога қақиртириб олади. Бу пайтда Абдурахмон маҳдум Қаршига кўчиб ўтган эди. Рўзобой Машраб кечи билан(агар олдинроқ бўлмаса) 1805-йиллардан сўнг 20 ёшлар атрофида унинг хизматида келади. Абдурахмон ан-Насафийнинг шогирдларидан уч нафари — Абдурахмон Бувий, мулла Тошмухаммад Бўстонӣ, Хофиз Рўзобой Машраб тарихда маълум ва машҳурдир. Тошмухаммад Бўстонӣ аввал Муҳаммад Амин Даҳбедийдан тавлим олган. Устози х. 1229 йили (1814) вафот этади. Шундан сўнг у Қаршига Абдурахмон ан-Насафий хизматида боради ва бир қанча вақт ундан тарикат илмини ўрганади. Бу пайтда Абдурахмон маҳдум аллақачон "ан-Насафий" нисбаси билан шўҳрат қозонган ва Рўзобой Машраб 30 ёшларда эди. У умрининг сўнгги даврида унинг хизматида бўлган. Бу эрд унинг қабри сақланиб қолган. Устида қуйидаги таърих битилган тош бор:

У муҳадди эди. Нақшбандийа хирқасини отасидан, у замон кўтби ҳазрат Мусохон хожа Маҳдуми Аъзамийдан, у Обид раҳматуллоҳдан, у отаси шайх Абдулаҳаддан, у отаси шайх Мийон Муҳаммад Саъиддан ва у отаси мактовлар эгаси суюклиси шайх Мийон Аҳмад ар-Раббонийдан олган эди. Уларга Оллоҳнинг жаннати насиб этсин. Қабри нурга тўлгур, марҳум шайх кутблар кутби саховат эгаси маҳбуби, шайхул комил шайх Муҳаммад Сиддиқ Нақшбандий ад-Даҳбедийнинг фарзандиди. Сана 1270".

Соҳибни санг мулла Рўзобой, Уммати Аҳмад аст, абли худой. Гашт марҳум у бо амри Раҳим Сор таърихи "гафуран" вурудо.

Бу маълумотлар "дариг" таркиббандидаги маълумотларни тасдиқлаш билан бирга уни тўлдириб ҳам келмоқда. Фақат маҳдумнинг вафоти санасида фарқ бор. Абдурахмон ан-Насафий вафоти х. 1264 йил деб қўрсатилган манбалар ҳам учрайдими. Биз улар орасидан қабртошидаги х. 1270 санани (м. 1853-1854) қабул қилдик. Энди маҳдумнинг силсиласига эътибор берайлик. Худди тарихида айтилгандек, Абдурахмон маҳдум отаси шайх Муҳаммад Сиддиқдан тавлим олади. Жумакули Ургутийнинг таъкидлашича, халифа Муҳаммад Сиддиқ шайх Саййид Мусо хожа Даҳбедийнинг иккинчи халифаси бўлган. Халифа Худойер вафотидан сўнг у устозининг ўғли Хонхожа билан биргаликда иршод маснадида ўтиради. Унинг даврида муҳаддидай тариқати доврғи янада ошиб кетади.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР, УЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

“МАБДАИ НУР” ВА КАЛАВАНИНГ ИККИ УЧИ

1. Соҳибзоданинг бебаҳо дури

рабни излаб...” номи мақоласини ҳам чоп этади. Унда иккала Машраб таржи-маи ҳолига эътибор қаратилади. Муаллиф Рўзобой Машраб ҳақида: “3692-инвентар рақамли кўлёзма “Мабдаи нур” 1263 ҳижрий, 1820 мелодий йилда кўчирилганлигига эътибор берилса, бу йилларда Хофиз Рўзобой 9-10 ёшлардаги ўспирин бўлган дейиш мумкин ва унинг бу ёшда Жалолиддин Румийнинг тасаввуфий “Маснавий”сини туркий тилда шарҳ этиб, “Мабдаи нур” каби етук бир асар ёзганлиги ҳам ҳақиқатга тўғри келмайдими”, деган хулосага келади.

Бу шеърини парчадаги “Кони Соҳибзодадин чиққан дурри якто эди” сатри шу пайтгача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди келмоқда.

Хусенов ҳамкорлигида “Хофиз Рўзобой Машраб” номи китоб босилиб чиқди. Ушбу асарда муаллифлар Рўзобой Машраб ҳаёти ва ижодини батафсил ёритишга ҳаракат қиладилар. Шунга қарамай, адабиётшунослик майдонидан қарийб бир асрдан бери осилиб турган муаммонинг асосий жиҳатлари бу ишда ҳам очилмай қолади. Рўзобой Машраб ҳаётига оид озгача ривоятлар ва улар асосида юзага келган ортиқча талқинлар тадқиқотчиларини муаммо ечимидан қўзғаштириб кетади.

2000 йили Германиянинг Берлин шаҳрида “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёзмалар хазинасида XVIII—XIX асрларда ёзилган тасаввуфга оид кўлёзма асарлар рўйхати” нашр этилди. Унда “Мабдаи нур” ва “Кимйо” асарлари муаллифи деб Рўзобой Машраб кўрсатилган. Аммо изидан муаллифлик масаласи бахсли экани алоҳида таъкидланади.

Орадан етти йил ўтиб, 1930 йил январ ойида профессор Абдурауф Фитрат матбуотда “Машраб” мақоласини эълон қилади ва Вяткин фикрларини бутунлай рад этади. У Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди юзасидан катта, анча муваффақиятли тадқиқотни амалга оширган. Бирок Фитратнинг ўзбек адабиётида Машраб тахаллусли яна бир шoir борлигидан бехабарлиги ҳам шу мақолада билиниб қолади.

Хуллас, илмий адабиётлар ва бирламчи манбаларнинг дастлабки таҳли-ли муаммонинг 1990 йилдан олдинги даврларга қараганда ҳам ортиқроқ чиғаллашганини кўрсатди.

Жуда чуқурлашиб кетган йирик ва бундай мураккаб муаммо ечимини газетада бир уринишда ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли икки қисмдан иборат мақкур мақолада Рўзобой Машраб ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ фақат баъзи тарихий маълумотларни кўздан кечиришимиз.

Мийон Фазл Аҳмад кўпроқ Ас-Соҳиб номи билан машҳур бўлган. Баъзи манбаларда унга нисбатан ҳам Соҳибзода атамаси ишлатилган. У Амир Шоҳмурод Бухоро тахтига ўтирган, мулла Сафар Хоразмий муҳаддидай вафотидан сўнг унинг бош пирига айланади. Тахминан, 1786—1801 йиллар атрофида Бухорода яшаб, тарикатда ўз мактабини яратган. У нақшбандийа сулукининг Ҳиндистондаги Сирҳинд тармоғи ваки-ли, яъни муҳаддидай-нақшбандий эди. Сулуқдаги фаолиятининг кўп қисми Лоҳур вилояти ва Сийолкот шаҳрида кечган. Насаб жиҳатидан Муҳаддидай Алфи Соний шайх Аҳмад Сирҳиндий авлоди ҳисобланади. Унинг Мийон ас-Соҳиб номи билан шўҳрат қозонишига бир томондан шу сабаб бўлган. У ўз даврида жуда кўп сўфийларни тарбия-лаган. Бухоро давлати ҳукмдори амир Шоҳмурод улар қаторида эди. Мийон Фазл Аҳмад шеърини жуда қадрла-ган, ўзи ҳам асарлар ёзиб қолдирган.

Рўзобой Машрабни илм аҳли ва адабиёт мухлислари таниши учун яна йигирма тўққиз йил керак бўлди. 1959 йил 14 феврал кун Пўлат Қаюмов “Мабдаи нур”нинг бир нусхасида(11119-рақамли кўлёзма) “Олдимга кел” ради-фили газалини учратиб, Рўзобой Машрабни кашф қилади. Кўп ўтмай, ўша йили академик Фафур Гулом 9251-рақамли бошқа бир кўлёзмада худди шу газалини ва “Олдимга кел” радифили мухаммасни топади ва улар асосида “Икки Машраб” номи мақола тайёрлаб, 12 июл кун “Қизил Ўзбекистон” газетасида чиқаради. Шу тариқа, Хофиз Рўзобой исми яна бир Машраб ўзбек адабиётига кириб келади ва “Мабдаи нур”, “Кимйо” асарлари унга тегишли экани расман тан олинади.

Машҳур “дариг” радифили таркиббанд ва “Олдимга кел” мухаммаси шoirнинг таржимаи холи ҳамда “Мабдаи нур” асари ҳақида хабар берувчи илк ишончли манбалар ҳисобланади. Муаммо ечимига олиб борувчи калаваннинг икки учи ҳам улар бўлса, ажабмас...

Бу шеърини асарлар тадқиқотчиларга яқини таниш. Шу пайтга қадар уларни ҳар ким ҳар хил талқин қилишга уринди. Аслида Рўзобой Машраб ҳаётининг айрим муҳим жиҳатлари “дариг” радифили таркиббанднинг ик-кита бандида қиска ва лўнда баён этилган. Ишни шу ердан бошлашимиз. Шойрининг таъкидлашича, унинг биринчи устози мулла Ёрмухаммад исми кўзи ошир бир кишидир. Илмий-тадқиқот ва

Мийон Фазл Аҳмад кўпроқ Ас-Соҳиб номи билан машҳур бўлган. Баъзи манбаларда унга нисбатан ҳам Соҳибзода атамаси ишлатилган. У Амир Шоҳмурод Бухоро тахтига ўтирган, мулла Сафар Хоразмий муҳаддидай вафотидан сўнг унинг бош пирига айланади. Тахминан, 1786—1801 йиллар атрофида Бухорода яшаб, тарикатда ўз мактабини яратган. У нақшбандийа сулукининг Ҳиндистондаги Сирҳинд тармоғи ваки-ли, яъни муҳаддидай-нақшбандий эди. Сулуқдаги фаолиятининг кўп қисми Лоҳур вилояти ва Сийолкот шаҳрида кечган. Насаб жиҳатидан Муҳаддидай Алфи Соний шайх Аҳмад Сирҳиндий авлоди ҳисобланади. Унинг Мийон ас-Соҳиб номи билан шўҳрат қозонишига бир томондан шу сабаб бўлган. У ўз даврида жуда кўп сўфийларни тарбия-лаган. Бухоро давлати ҳукмдори амир Шоҳмурод улар қаторида эди. Мийон Фазл Аҳмад шеърини жуда қадрла-ган, ўзи ҳам асарлар ёзиб қолдирган.



Самарқанддаги Турки Амир мақомаси.

“XX аср жаҳон адабиёти ХИКОЯЛАР”

Ўтган аср жаҳон адабиётида хикоя жанрининг мумтоз намуна-лари кўплаб яратилди. Мазкур жанрдаги дурдона асарлар бугун-ги кунда ҳам дунё китоб-хонлари томонидан хайрат ва ҳаяжон билан севиб ўқилаётир.

рияти атоқли таржимонлар, таник-ли адиблар томонидан турли йил-ларда ўзбек тилига таржима қилин-ган. Мазкур таржима асарлар вақт синовидадан ўтган, китобхонлар эъти-борини қозониб улгурган. Масалан, Ваҳоб Рўзиматов таржимасидаги А.К. Дойнинг “Интернатда содир бўлган воқеа”, Михаил Шолоховнинг “Хол”, Озод Ша-рафидинов таржимасидаги Нажиб Махфузининг “Им-коният”, Иброҳим Гафуров таржи-масидаги Уйлям Фолкнернинг “Қора мусика”, Маҳкам Андижоний таржи-масидаги Жуброн Халилнинг “Бронда қолган қуш” сингари бу китобдан жой олган хикоялар ўзбек китоб-хонларига бир олам завқ-шавқ ба-ғишлаши, тафаккурини, маънавий оламини бойитиши шубҳасиз.

Авалло шуни айтиш керакки, жа-ҳон адабиётидан она тилимизга таржима қилинган бу тўпламдаги хикоялар синчковлик билан сара-ланган. Китоб мундарижаси пишқ-пхта тузилган. Чунинки, тўпламга Фарб ва Шарқ адабиётларида юк-сак мавқени эгаллаган, асарлари юзлаб тилларга таржима қилинган Артур Конан Дойл, Жек Лондон, Лу Син, Акутагава, Эрнест Хеминг-уей, Михаил Шолохов сингари жами йигирма икки нафар адибнинг хико-ялари киритилган. Уларнинг акса-

Шу билан бирга, китобга маш-ҳур чет эл адибларининг аслият-дан таржима қилинган асарлари ҳам киритилган. Масалан, Ҳерма Хессенинг “Бурни”, Стефан Цвейг-нинг “Нотаниш аёл мактуби” (ол-мон тилидан М.Ақбаров таржима-си), Сомерсет Мозмнинг “Тилан-чи”, Жеймс Жойсинг “Эвелин” (инглиз тилидан А.Отабоев таржи-маси) хикоялари.

Журналларни варақлаганда

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» 2010 йил, 4-сон

Журналнинг янги сони тарих фан-лари доктори, профессор А.Маврулов-нинг “Маънавий — эҳтиёж махсули” мақоласи билан очилади. Таниқли адиб Омон Мухтор-нинг “Муҳаббат ўлимдан куч-ли” деб номланган янги романи-нинг бошланғич қисми, Аб-дунаби Абдиевнинг “Муаллақ одам” номи қиссаси, Абдуқа-юб Йўлдош, Рисолат Хайдаро-в ва Ҳабибулло Ҳайдарнинг хикоялари наср илосманларни эътиборига ҳавола этилган. Ита-лиялик машҳур ёзувчи Дино Бу-ччатининг бир жуфт хикояси-ни Отаули таржимасида ўқийсиз.

“Шеъринг” руқни остида Гулҳеҳра Жўраева, Зикрилла Неймат, Мухтасар Тожимаматова, Шермурод Субҳон, Са-фар Оллоёр ва Фурқат Мели сингари турли авлодга мансуб шoirларимизнинг янги туркум шеърларидан баҳраманд бўласиз. “Булроқ кўз очди”, “Мушонара” руқларидан эса шеъринимизнинг кен-жа авлод вакиллари ижодидан саралан-ган шеърлар берилган. Атоқли адиб Ас-қад Мухтор алабий меросидан намуна-

лар, Комил Аваз мухаммаслари, О.Сую-ндикова таржимасидаги Николай Ильин шеърлари журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган. Шунингдек, адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларига, меросимиз таъкидига бағишланган мақола ва та-дқиқотлар ҳам уларда кўтарил-ган мавзулар таҳлил ва тал-қинларига кўра салмоқли. Жумладан, С.Мелининг “Янги танқид” (Фарб ала-биётшунослигидаги бир оқим ҳақида), Д.Куроновиинг “Портретдаги мусавир сийра-ти”, И.Екубовнинг “Адиб со-ғинган манзил-маъволар”, Б.Холбековнинг “Ўзбек ти-лидан инглиз тилига таржима-лар тарихидан”, Ш.Амононинг “Шамза шеърини таърих тахрири ма-саласи” мақолалари ана шундай эъти-борни тортадиган тадқиқотлар сира-сидан. Каромат Муллахужаевнинг Ўзбекистонда хизмат қўсатган жур-налист Маҳмуд Саъдий билан суҳба-тида ҳаёт ва ур мазмунни, мутлола ма-данияти, матбуот ва адабиёт, ижод ва турмуш сингари бири-бирини тақозо этадиган, ўзаро узвий боғлиқ мавзу-лар ҳақида қизгин фикр юритилган.



Бугунги Тошкент.

Қобил ЭШМАМАТ

ТОҒДАН БОШЛАНАДИ ҲАР ҚАНДАЙ ДАРЁ

Биз шоҳмат ўйнаймиз

Биз шоҳмат ўйнаймиз кўпчилик бўлиб, Фақат бошланиши икки кишилик. Аввал томошабин бўлиб тураемиз, Бўйнимизни чўзиб илди эшилиб.

«Оббо»дан бошланар илк ишорамиз, Ютишиб оламиз хато юришдан. Кўшилиб кетамиз ўйинга бирдан Завқланиб, завқ олиб дона суришдан.

Қизигандан қизир тахтадаги жанг, Шоҳлар юрагига гулгула солиб. Бошлаб юборамиз «у юр, бу юр»ни, Биз энди иккига бўлишиб олиб.

Хуллас, «ур-сур»лару, «юр-юр»лар сабаб, Бир шоҳ рақиб шоҳнинг тахтин кўпорар. Бундай кез айримлар ҳовлиқанидан Оғзидаги носни ютиб юборар.

Биз шоҳмат ўйнаймиз кўпчилик бўлиб, Бир наста унутиб ташвишу гамни, Бир наста биздан зўр билимдон йўқдай, Айтиш шу лаҳзанинг лаззати камми?!

Биз шоҳмат ўйнаймиз турли «миш-миш»у Гийбатлар устидан аччиқ кулгали! Кел, дўст, сафимизга кўшил, дона сур, Бир нас дардларингдан халос бўлгали...

Онам дуоси

«Ўғлим, дарё бўл», деб қиласиз дуо, Дарё бўлмоқ насиб этса мабодо, Онамон, тоғларни эслатинг, чунки Тоғдан бошланади ҳар қандай дарё.

Ҳасадчига

Майли ҳасад кўзи билан боқ, Аммо ол бир ҳукмдан сабоқ, Кўксидан кир йиққани учун Қайчиланиб ташланар тирноқ.



Дўстларимга

Майли пинҳон тутинг қалб сирингизни, Лекин тез-тез йўқланг бир-бирингизни. Мени ҳам назардан четга қолдирманг, Мендан ҳам аяманг кўз қирингизни.

Қайроқ

Доим ўтқир бўлсин, деб пичоқ, Тигта урар жисмини қайроқ. Мақтаганда пичоқни ҳеч ким Эсламайди қайроқни бироқ.

Кулф ва калит

Кулф ва калит ёнма-ён яшар, Хизматини деб аяб-асрашар. Бир-бирини йўқотган кунни Иккисин ҳам четга ташлашар.

Туюқ

Ақл билан рақибни енгил, Кексалардан доимо енгил. Биласан-ку уларнинг юки Тош босади бўлса ҳам енгил.

ИҚРОР

Қоғоз, мени афу эт, қоғоз, Мен ўзимни биларканман оз. Гарчанд битикларим гардиммас, Улар менинг асл дардиммас.

Қоғоз, менинг гуноҳимдан ўт, Тутсанг, фақат ўз кўнглимдан тут. Ҳақниқидир энг лойиқ ихлос, Шейр — юракнинг сояси, холос.

ҚИЗ ҲОЛАТИ

Аввал суратига тикилди узоқ, Қўлларидан тутди сочларин. Дарпардани торғди, Қаради деразадан. Ҳеч ким йўқлигига инонганч, Жилмайиб суратга юзини босди.

Тонг отди — оҳишта очилар эшик, Чикиб келар ундан алвон бир лола. Мендан олдин шамол югуриб борар, Мени кечиктирар шум истихоло.

Тўхта, шамол, тўхта, ошиқма бунча, Хотиржамлик бўлгандай онгники, Дунё ҳикматиники бўлгандай, Лола тонгниқидир, лола тонгники!

Тонг. Шабнам шаклида тўкилди кўзёш, Ер дардин унутди бир дам қари-ёш. Оламини ишқига кўмиб ташлади Туннинг лаззатидан уйғонган кўш.



Пойтахтим жамоли...

Илҳом АҲРОР

УМРИМ — ВАФО ЮРГАН ЙЎЛ

Эй қаноти енгил бойвуччам, Сенга ҳавас қилмасман ҳечам. Ердан узилса-да оёғинг, Бошинг кўкка етмади, кўшчам.


Умрим — вафо юрган йўл, Кўзим — ишқингга қоним. Шайёим — меҳрингга тимсол, Кўнглим — уйингдир, жоним.

Туйганим унсиз оҳанг, Уйим — дард топанг оним. Қуйламасин тилгинанг, Нолам — куйингдир, жоним!

Маёғингдир оқ либос, Дийдоринг ойдин қуним. Азим, қулдингми, бас, Чеҳранг — тўйингдир, жоним!

УЧЛИКЛАР

Кўйингга кириб олганча Баҳор билан гап талашди ел, Бундан сенинг сочинг оқарди, олча.



Зулфизар! Нозлиб кирсанг Кулбам деворига нон ёпса бўлар!

Жон бор сел талошида, Сой сувда нажот бор. Таъма бор кўз ёшида.

Қай манзилни кўзладинг, шамол? Юқинг қани? Чангми бор-йўқинг?! Бўломайсан ҳатто бир ҳўмон!

МОДЕРНЧИ ШОИРЛАРГА ҲАЗИЛ

Аҳволингиз маълум — ўзакдан йироқ, Сузланг, шеърингизни мақтаманг бироқ. Қофияни сақлай оларди қандай Асли ўзингизда бўлмаган туроқ?

Кўк ёмғир юборар, ер обдон қониб Кўёшга қайтарар олғач ювиниб. Доим сурурга тўл топанг тузиндан, Берган тузиндан ҳам юртин қувониб.

Ўн тўққизинчи довон

Ортимизда VIII-XIII асрларда нақш санъати кенг тараққий этди, гуркираб ривожланди. Бугун ўша асрлардан ёдгор нақшларга боқарканмиз, тенгсиз чирой, беназир гўзалликдан ҳайратга тушамиз. Бирок, бу гўзалликнинг тугилиши осон бўлмаган. Чунки нақш санъатининг ўз қатъий қодалари бор: тақсим ва бўлақлар аниқ ўлчамда, уйғун бўлиши, ранглар дид билан танланган, ўзаро мутаносиб бўлиши лозим.

Бу нақшларнинг номлари ҳам худди ўзларидай гўзал, бетакрор, жозибали: "Кўндал", "Меҳроб", "Чоргул", "Шобар", "Ойгул", "Занжир"...

Худди қўшиққа, сирли мусиқага ўхшайди бу нақшлар, уларнинг номлари ҳам...

Ортимиздаги ҳар бир худуд, вожа, водийнинг нақш санъатида ўз анъаналари, мактаби, йўналиши бор. Ҳар бири ўзига хос. Ва бир бутун ҳолда камалакдаги сержил манзара яратди. Худди ортимиз гўзаллигини...

Бу нақшлар рамзу тимсолларга бой. Кўёш рамзи, кўёш акси, пахта гули, анор гули, узум барги... Бу тимсолларни кўп санаш мумкин. Бир бутун ҳар бир аҳволга, ҳар бир ҳолатга, ҳар бир ҳолатга, ҳар бир ҳолатга...

Мангу Эзгулик, мангу Яхшилик умиди... Қайдан ва қандай яралмиш бу гўзал тасвирлар? Ҳаёлот маҳсулими у? Идрок, тафаккур мевасими? Бундай гўзалликни яратган халқнинг қувваи-ҳофизаси қанчалар юксак, қанчалар гўзал, диди қанчалар нозик бўлиши керак. Аслида халқ қалбидида гўзаллик шу нақшларга кўчиб, ўзини намоен этаётганидир.

Халқ қалбидан чизиги олгандир бу нақшлар... Айтганимиз, мангу Эзгулик, мангу Яхшилик умидидан чизиги олгандир... Шунинг учун ҳам завоқ кўрмас, боқий, барҳаётдир.

ЙЎЛ

Кечалари самога боққан кезларингиз сон-саноксиз, ёрқин ва хира юлдузлар бағрида ойдин, оппоқ бир йўл кўз олдингизда намоен бўлади. Чексиз осмон узра ўтган чексиз бир йўл... Ерқин, ёруғ, нури таратган йўл... Сомон йўли бу... Худди самога термулган миллионлаб инсонларнинг му-



УЛУҒ УМИДЛАР

Инсоннинг орзу-умидлари кўп, чексиз... Бари эзгулик, рўшноликка дахлдор. Уларнинг жамулжам умумлашмаси Улароқ элнинг, халқнинг ҳам орзу-умидлари бўларкан. Катта орзу, катта умидлар...

Бугун халқимиз шундай катта орзу-умид билан, озоод ва обод Ватанини янада гуллайтиб-яшнатиш, мустақил мамлакатни янада раванқ топтириш орзуси билан яшамокда. Шу улғу умидлар рўёбга чиқиши учун фидойий меҳнати ила келажак биносини қурмоқда.

Назаримда, бундай катта умидлар дунёдаги барча халқларга хос... Ҳа, жаҳондаги каттаю кичик барча халқларнинг муштарак умиди — озоодлик, тенглик, бахт, фаровонлик...

Лекин бу орзу-умидлар ичидан энг қучлиси, ўтли, шиддатлиси — эрк ва озоодлик умиди бўлиб келган бўлса керак асрлар давомида...

Халқимиз тарихи исбот бунга... Эрк ва озоодликни ҳар недан бандан кўйган, ҳар недан азиз билган халқимиз...

Неча-неча асрлар қанча муштабид салтанатлар ҳужуми, таъжовузи, жангу жадаллар... Шоир айтмоқчи, "Чингизу Боту тигига кўкси қалқон ўзбегим..."

Ҳа, халқимиз кўксини қалқон қилиб асраган ўз эрки, озоодлигини... Оиласи, онаси, синглиси, аёли, болаларининг ҳаёти, шаъни, ор-номуси, қадри, хурлиги, эркини, демокки, Ватаннинг хурлиги ва эркини асраган...

Ўз тарихининг оғир ва қора кунлари — истибод замонларида эса, худди шаррос ёмғиру қаҳратон музлик кўйинда оловни асрагандек, юрагидан озоодлик умидини сундирмаган. Шу умид қанот бўлиб эрк учун курашган, ис-

тибдонинг қафасларини шиддириб, эрк ва озоодликка эришган...

Ҳа, ўлмас умид, ўлмаган умид — озоодлик умиди...

Истиқлол, халқимизнинг ана шу ўлмаган, сўнмаган умиди меваси...

Боя айтганимиз, халқимизнинг катта умидлари шу ўлмаган умиддан туғилган, қувват олган. Ва сизу бизнинг қалбимизга қувват, фидойий меҳнат учун рағбат бўлиб чорламоқда келажакка...

Илоийм, ушалсин бу орзулар, рўёбга чиқсин халқимизнинг улғу умидлари...

ИРОДА

"Инсонни маъв этиш мумкин, аммо, уни енгиб бўлмайди". Хемингуэйнинг машҳур "Чол ва денгиз" асаридидаги бу ҳикмат, энг аввало, инсон иродасини улғулаб айтилган қўшиққа ўхшайди. Ирода маънавияга ўхшайди.

Зеро, инсонни енгилмас қиладиган куч, захмату машаққатлар сўқмоғидан истиқбол сари ундайдиган ғайрат, ҳар қандай оғир дамда энг яқин дўст, таянч, суянч бўла олгучи қудрат — Ирода экан.

Одам боласи умри давомида шодлиғу қувончнинг ҳам, ранжу ташвишнинг ҳам кўп ва хўп кўриши аён ҳақиқат. Неларни кўрмайди, ҳасадду хусумат, маломат тошларидан неча бора ёрилмайди бу бош...

Муҳаббат, омад ва бахтдан неча бора кўкка етди... Ерилган бошининг ҳам, ахир, бир кун кўкка етишига сабаб бўлгучи яна ўша ирода экан...

Қандай кучли хислат, қудратли фазилат у? Қайдан қувват олади Ироданинг илдири? Қадимгилар айтмоқчи, зарданми ё зўрданми? Зар ҳам, зўр ҳам ўткинчи, Ирода эса боқий экан, унда қайда унинг илдири? Қўлдаги давлатдамас, дилдаги давлатдодир...

Ҳа, Ироданинг илдири дилнинг давлати бўлиши иймон-этиқодда, асл маънавиятда, дейишди. Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида эътироф этганидек, маънавияти юксак инсоннинг иродаси ҳам кучли, бақувват бўларкан. Зеро, "ирода — муштаҳам ишонч", дегани экан.

Ўзингга ишонч, ўзлигингга ишонч, ҳақлигингга ишонч... Шу ишонч собит экан, ҳар қандай синовлар, тўсиғу говлар билан писанд эмас инсонга...

Барини енгиб ўтаркан... Фақат иродаси сўнмасас бас... Ишонч сўнмасас бас... Ўзига ишон-

ган инсонга ўзгалар ҳам ишонаркан, суюнаркан...

Иродали инсон элу-юртнинг таянчи! Ирода — халқнинг жон томири, қаддини тик қилиб турган умуртқаси! Халқни халқ қиладиган ҳам ирода!

Аслида, бу йил 19 йиллик тўйини нишонлаганимиз Истиқлол ҳам халқимиз иродасининг меваси, маҳсули экани аён-ку... Вулқонлар ҳақидаги ҳужжатли филмда бир вулкانشунос "Бу ҳарорат, бу алангадан хаттоки темир ҳам эриб кетади. Инсоннинг эса териси қуяди, қўчади ва

ДИЛШОД ШАМС

ИСТИҚЛОЛГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

рамзлар, тимсоллар акс этган. Кўёш рамзи, боқий дунё, табиатнинг мангулиги, навқиронлик рамзлари булар...

Дунёни англаш, мушоҳада қилами бизни лол этади. Шу билан бирга, кундалик турмуш лавҳалари, ов манзаралари акс этган бу расмларда...

Қанон чизилган бу расмлар? Ким чизган уларни? Балки бир неча авлод ижоди маҳсулидир бу? Келажакка йўлланган бу мактубларда яна қанча сиру синопт бор...

Ўқий олдиқимикин уларни? Ўқисак, тарихимиз, аждодларимиз, тимсоллар акс этган. Шубҳасиз, тарихимиз, аждодларимиз, тимсоллар акс этган. Шубҳасиз, тарихимиз, аждодларимиз, тимсоллар акс этган.

Ҳа, чиндан-да кўҳна ва табаррук китобга ўхшайди бу тупроқ... Тўла ўқилмаган китобга...

ЮРАҚДАГИ ЧЎҒ

Халқимиз жуърят, шижоат, катъиятни кўп қадрлайди. Зеро, асрлар давомида шундай хислатларга эга бўлиш мард фарзандларига таянган, таяниб келади.

"Юрақда ўти бор" деган ибора шу боисдан пайдо бўлгандир эл қаломида... Жасур ўғлонлари, оқила ва дадил қизларига тан бежиб айтилган бу эътирофдан ортироқ олқиш бўлмас керак улар шаънига...

Таниқли шоиримиз бир шеърда фарзандига мурожаат қилиб: "Яратгандан Сенинг юрагингга олов сўрайман", — деганида, шу олов тимсолида ўша шижоат, жасорат, мардлик, мадонат, фидойийлик каби хислатлар муҷассамини сўрагандир...

вақт ўтиши билан ўрнига янгиси чиқади. Демакки, бу оташ темирни эритиб юбориши мумкин, лекин, инсонни енгилмайди", — деганди. Инсонни ана шундай метин қилган хислат ҳам, энг аввало, Ирода бўлса керак...

ЎҚИЛМАГАН КИТОБ...

Саёҳатдан ҳикмат топмоқни истайд инсон. Юртимиз бўйлаб қанча кўп кезсак, саёҳат қилсак, шунча кўп ҳикмату ҳақиқатни англаймиз. Чунки бу тупроқнинг ҳар зарра-сида бир тарих, бир асотир бор. Кўҳна ва табаррук китобга ўхшайди бу тупроқ...

Дунёнинг ҳеч буржидан топиладмас ўз китобимиз саҳифаларида халқимизнинг неча минг йиллик маданияти, маънавияти, хотираси яшаппти.

Ҳаттоки, кимсасиз кўринган биёбону адирлар, кўҳна харобалару тепаликлар, тоғу тош, қояларга боқиб ҳам ҳис этиш мумкин буни...

Биргина мисол... Навоий вилоятининг Оқтоғ-Қортоғ қояларидаги расмларни олайлик. Бу расмларнинг тарихи олис мезгилга бориб тақалади. Беш мингдан етти минг йилгача бўлган давр билан ўлчанади уларнинг тарихи...

Бу расмларда, илмий тил билан айтганда, петроглифларда аждодларимизнинг идрок ва тафаккур олами намоендир. Уларда фақат расмлар эмас, жуда кўп

ларига мардона дош бериб, эл ризиқини етиштираётган инсонлар ҳам ана шундай ўтораклар эмасми?

Ватан мустикаллигини балоказолардан ҳимоя этиш учун сафарбар қилинган аскар йигитлар-чи? Уларнинг юрағидаги чўғ шундоқ юз-кўзларида зухур этади.

Ҳа, юрақдаги олов-чўғ инсоннинг кўзида ҳам акс этади! Ешларимизнинг ёниб турган чақоқ кўзларига боқиб, ишонч ҳосил қиласиз бунга. Шоир Яратгандан фарзандининг юрағига бежиз олов сўрамайди. Бежиз "Уминг адо бўлмай туриб, чўғинг адо бўлмасин" деб ёзмайди.

Ахир юрағидаги шу олов сўнмагани учун ҳам чайир боларида фарзандига мурожаат қилиб: "Яратгандан Сенинг юрагингга олов сўрайман", — деганида, шу олов тимсолида ўша шижоат, жасорат, мардлик, мадонат, фидойийлик каби хислатлар муҷассамини сўрагандир...

"Юрағида ўти бор" деган иборанинг маъзи-моҳияти ҳам шундай аслида...

НАҚШ

Олимларимиздан бири, Алломиш ҳақида гапириб, "Алломишнинг ҳамма куч-қуввати, энг аввало, унинг юрағида... Шу юрағидаги қуввати билағига куч бериб, ўн тўрт ботмон биринчи — бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб, "Алп" номини олган", деганди.

Назаримда, чўқур маъно бор бу фикрда. Алломишнинг бутун матонатини ана шу юрақдаги куч-қувватдан, халқона айтсак, юрак-

Иқлимшунос ва об-ҳаво мутахассисларининг иқдорига кўра, 2010 йилнинг ёзи Россия учун ўтган мизги йилдаги энг иссиқ ёз бўлди. Метеорология кузатувчи фаолиятини бошлаганидан буён ўтган 135 йил мобайнида бундай ҳолат юз бермаган, ёзининг икки ойида ҳарорат ўртачадан етти даража юқори бўлган.

Файриабий иссиқ туғайли Россия Федерацияси ҳудудлари ўн миллион гектардан зиёд донли экинлар ва 120 минг гектардан кўп ўрмонлардан маҳрум бўлиди. Одамлар ўлими, одамлардан кўра, икки баробарга ошди. Япония, Канада, АҚШ, Фарбий Европа мамлакатлари ҳам бундай чидаб бўлмади иссиқдан азийат чекиди. Жанубий Америкада аксинча ҳароратнинг кескин пасайиши кузатилди. Покистонда сўнгги саксон йил ичида рўй берган энг кучли сув тошқинлари экинзор, шаҳар ва қишлоқларга катта вайронгарчилик олиб келди.

Хўш, бу табиий офатларнинг сабаби нимада? Дунё иқлимида бу каби қўрқинган ҳақиқатларда ҳолат яна юз бериши мумкинми? Бу саволга ҳануз аниқ ва тўғал жавоб йўқ. Бироқ чўқур мантиққа асосланган турфа хил таҳминлар бор. Уларнинг биринчиси — Ер юзи иқлимининг глобал даражада иссиқлиги. Турли йиллардан буён ушбу

мавзуда қизгин мунозара давом этмоқда. Америкалик олим Р. Померансининг фикрига кўра, сайёрамиз иссиқ бормоқда. Арктика музликлари тез эриётгани бунга далилдири. Агар антропоген фаолият туғайли одамзотнинг сайёра иқлимига кўрсатётган таъсири камаймас, 2100 йилга келиб сайёрада ҳарорат 1,4 дан 5,8 даражага қадар ошади. Бу фикрнинг баҳли, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Афсуски, 2009 йилнинг декабр ойида Колпенгаденда бўлиб ўтган Ер иқлими бўйича саммитга кўпгина давлат бошлиқлари таъшир буюрганга қарамай, баҳсу мунозаралар тўғрисида аниқ мақсалга қаратилган амалий ҳужжатлар имзоланмади.

Иккинчи таҳмин, гидрометеоролог мутахассиси Д.Киктевнинг фикрича, осмонда ёз ойлари антициклон узоқ вақт турар қолган ва у Атлантика уммонидан келадиган соғуқ ва нам ҳаво оқимларининг ўтишига йўл қўймаган. Бундай ҳоллар учраб туради, бироқ бу галги-



Дунё иқлими

Она сайёра — кўриқхона

сим, айнакча, чуқли бўлган. Учинчи таҳминга кўра, тўлқинсимон кучли оқим антициклонни жойидан силжитиши имкон бермаган. Буюкбританиялик иқлимшунос М.Блэкбернининг ҳисоб-китобига кўра, антициклон атмосферада урама оқимларни тўтиб турган. Одатда, бундай кучли ҳаво оқимлари Ер юзасидан 7-12 километр баландда шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа томон йўналган бўлади. Бу оқимлар турли омиллар таъсирида эгри-бугри шакл ҳам олади. Мазкур кам частотали, тўлқин-

симон гирдобли горизонтал оқимлар Ернинг айланishi натижасида ҳосил бўлади. Сўнгги пайтда метеорологлар бу оқимларда рўй берган ўзгаришни аниқлашга муваффақ бўлишди. Шундай оқимлардан бири Африкадан узоқ шимолга иссиқ ҳавони суриб келиб, у ерда юқори ҳароратни кўп вақт силжитмай турган. Улардан яна бири эса, Покистондаги ёмғирлар мавсумини кучайтириб юборган. Япония, Хитой ва Шарқий Германиядаги тошқинларга ҳам шу оқимлар "айбдор" экан. Хўш, тўлқинсимон бу оқимларда

нега ўзгариш юз берди. Ҳозирча олимларда бунга аниқ жавоб йўқ. М.Блэкбернинг фикрига кўра, бу атмосфера ҳавосининг табиий ўзгаришларининг билан боғлиқ жараёнлардан бири бўлса, ажаб эмас.

Тўртинчи таҳмин муаллифлари табиий офатларни Мексика кўрғазигада нефт кудуги ишдан чиқши оқибатида келиб чиққан экологик фалокат билан боғлашмоқда. Яъни уммон сатҳида ҳосил бўлган қора доғлар ундаги сув ҳароратининг кескин даражада ошиб, атмосферанинг юқори қатламларига кўтарилиши сабаб бўлган. Бешинчи таҳминга кўра, Исландиядаги вулканининг майда зарралари атмосферанинг юқори қатламларига ёйилиб, Ерга тушаётган кўёш нурунининг синишига сабаб бўлган ва иқлимдаги ўзгаришларни келтириб чиқарган.

Об-ҳаво бўйича собиқ ҳарбий мутахассис Н.Караваб эса, бу жараённи америкаликларнинг иқлим ҳосил қилувчи ҳарбий қуроли билан боғлиқ ҳолда изоҳлайди. Унинг фикрича, махсус лазер нурулари ёрдамида атмосферани булутли қатламлардан тазолаб, ўрнига иситилган ҳаво юбориш мумкин экан. Шунга қарамай, NASA шу йил баҳордаёқ россияликларни ҳақдан зиёд иссиқ кунлар бошланганидан огоҳлантирган.

сирети ректори Л.Карлиннинг фикрига кўра, Ер юзасидagi сувнинг ҳажми доимий ўзгармас миқдор ҳисобланади. Фақат сув бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиб туради. Фанда бу гидрологик даврийлик ёки табиатда сувнинг айланishi, деб аталади. Сув, асосан, уммонлар устида буғлиниб, атмосферага кўтарилади. Ҳосил бўлган булут ёмғир ва қорга айланиб ёғиши мактаб ўқувчисига ҳам маълум. Улар дарё ва кўлларга тушади, тупроққа сингади. Оқибатда яна уммонларга бориб қўшилади. Бироқ уммонлардан кўтарилган буғ ва булутнинг қачон, қаерга ёғини сочилиб тушишини замонавий фан аниқ айтиб бера олмади. Бир нарса аёнки, ҳозир ҳалокатли тошқинлар юз бермайди, куз серёғин, қиш эса қорли келиши мумкин.

Айтиш керакки, об-ҳаво ва иқлим жараёнлари шаклланишига жаҳон уммонлари билан бирга ўрмонларнинг ҳам таъсири катта. Дунё ўрмонларининг тўртдан бир қисми Россияда жойлашган. Бу 80 млрд. куб метр ўрмон захираси демакдир. Бироқ ҳар йили унинг 20 млн. куб метрга яқин қисми кесилди. Дунё бўйича эса ўрмонлар майдони ҳар йили етти миллион гектарга камаймоқда.

Соғлигинг — бойлигинг... ҚАЛАМПИР ВА КЎК ЧОЙНИНГ ШИФОСИ

Яқин-яқингача мутахассислар қалампир ва бошқа ўткир таъмли зирavorларни истеъмол қилишда эҳтиёт бўлиш зарурлигини уқитиб келишарди. Овқатни ҳазм этиш аъзолари хаста беморларга улардан фойдаланиш ман этилганди. Эндликда эса, бу моддаларга муносабатда шифокорлар фикри ўзгармоқда. Хусусан, қалампир ва мурч каби зирavorларнинг жигарга умуман зиёни йўқ экан. Бироқ бу мазкур зирavorлардан ҳар ким таъбиға қараб бемалол фойдаланаверса бўлади, дегани эмас. Айниқса, цирроз ва юрак камқувватлиги хасталигида, шиллар ҳосил бўлганда улардан ош-овқатда фойдаланиш тавсия этилмайди. Жигар хасталикларни бўйича таъшир буюрган доктори А.Буверовнинг фикрича, қалампир ва мурч чанқоқни ошириб, кўп сув ичишга сабаб бўлади ва бу билан беморнинг аҳоли-руҳиясига салбий таъсир кўрсатади.

Қалампир таркибидagi бромелайн ферменти оқсилларни парчалайди, капсаицин моддаси эса ўткир ачиқ таъм бериш билан бирга, термогенез жараёнини кучайтиради. Бунинг натижасида аъзои баданимиз ўзидан кўп иссиқлик чиқаради ва танадаги ёғларнинг бир қисми парчаланиб кетади. Нонушта пайти истеъмол қилинган ачиқ таъмли таом организмдаги қувватнинг 23 фоизи сарф бўлишига олиб келар экан. Айни чоғда, капсаицин йигирмадан ортқ оқсиллар таркибини ўзгартириш билан бирга, ёғли тўқималарнинг ўсишига тўсқинлик ҳам қилади.

Қора мурч таркибидagi пиперин, занжабил таркибидagi гингерол ва шогаол моддалари ҳам термогенез жараёнини кучай-



“Гулистон”

Журналнинг янги сонидa журналист Мансур Тенглашевнинг “Тўй ва маънавият” мақоласи, ўқитувчи Сайёра Шодмоновнинг “Тил ва маънавият муштараклиги” тадқиқоти, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Баходир Аҳмедовнинг “Юксалиш машаққати”, талаба Улугбек Бўтаевнинг “Миллий менталитет ва реклама” мақолалари берилган.

Шунингдек, Шермурод Субҳоннинг атоқли санъаткор Олим Ҳўжаев ижод ва фаолиятига бағишланган “Уч урғуш” мақоласи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мақсад Юнусовнинг Ўзбекистон халқ артисти Асад Азимов ҳақидаги “Санъатимиз даргалари” ёдномаси, журналист Лутфулла Мармасолиевнинг профессор Суёнжон Каримовнинг 60 йиллигига “Сўздан инжу ахтариб” кутловномаси, профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг шоир Усмон Азим ижодига бағишланган “Туйгулар ҳайқирғи” эссеси, Манзура Шамнинг фотомухбир Машраб Нуринбоев ижоди ҳақида “Лаҳзаларга инган саодат” очерки, Жалолиддин Жўраевнинг расом Темур Саъдуллаев ҳақидаги “Устоз мусаввир” мақолаларида адабиёт ва санъат вакиллари ҳақида хикоя қилади.

Журналнинг “Баркамол авлод йили”га бағишланган бир қатор лавҳалар ҳам ёритилган. Жумладан, Абдулла Саидовнинг “Бахтиёр болалик маскани” мақоласи, Комил Жонтоевнинг “Ўзбегим спортти” фотолавҳалари, Фарида Холмуродованинг жиззахлик хунарманд ёшлар ҳаёти ҳақидаги “Эътироф” саҳифаларида навқирон авлод вакиллари-нинг изланишлари, кўлга киритилган ютуқлари ёритилган.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Кўчкор Хоназаровнинг “Ўзбек халқ ашуласи” мақоласи, Миробид Иноятонинг “Мумтоз мусиқа” тадқиқоти мусиқа санъатимизнинг боқий илдишларидан сўзласа, ўқитувчи Назокат Холмуродованинг “Бир қамчи сири” мақоласи қамчи яшас хунарининг сир-асрорларидан хабардор этади.




Доймий ҳамроҳ «Адабиёт назариясининг илмий асослари»

“Yangi nashr” нашриётида яқинда чоп этилган филология фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори Ҳакимжон Каримовнинг мазкур кўлланмасида бадиийлик асослари: образ ва образлилик, ҳаётини бадиий зиддият, гўзаллик, фожиавийлик, кулгу ва комиллик, улғуворлик каби адабий-эстетик категориялар ёритилган. Шунингдек, муаллиф адабиётшуносликда ҳали кенг ва теран ёритилмаган экзистенциализм, модернизм сингари янги йўналишлар ҳақида ҳам ҳозирги бадиий асарлар мисолида кенг тўхтаган.

Кўлланмада ҳар бир мавзу аниқ режа асосида шарҳланади. Масалан, “Образ ва образлилик” мавзуси ёритилганда мазкур масалага доир энг муҳим: санъат асарининг мазмуни воқелик экани, объектив воқеликнинг асарга шунчаки олиб килирилмаслиги, образнинг таърифи ва маъносининг кенглиги, воқеликнинг образлар воситида акс эттирилгани сингари жиҳатларга эътибор қаратилади. Шу тарихи муаллиф кўлланма мундарижасига қамраб олинган адабий-эстетик категориялар ва янги оқим ҳамда йўналишлар ҳақида батафсил тушунча беради.

Мазкур мавзуларни ёритишда олим адабиёт назарияси соҳасига доир ўзбек олимларининг тадқиқотлари билан бир қаторда жаҳон адабиётшунослиги тажрибаларига, муайян оқимга мансуб адибларнинг бадиий-эстетик қарашлари акс этган асарларига ҳам мурожаат этган. Бу эса, кўлланманинг қиммати оширган.



Тақдирот “Таъзиядаги тўй” катта экранда

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида “Таъзиядаги тўй” филмининг премьераси бўлиб ўтди.

“Ўзбекино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан, “Ўзбектелефилм” киностудиясида суратга олинган филмининг сценарий муаллифи Ҳасанов Фағур Шермухаммад, Мэлис Абзалов ва Ҳотам Файзиев режиссерлигида ишланган мазкур комедия рассоми Шахноза Жамилова, бастакор Мирхалил Махмудовдир. Бош ролларни Обид Юнусов, Хайрулла Саъдиев, Муҳаммадсоли Юсупов, Муҳаддас Холиқова, Муҳаббат Абдуллаева, Фатхулла Маъсудов каби таниқли актёрлар ижро этишган.

Халқимиз менталитетига ёт бўлган, бироқ ҳаётимизда учраб турган воқеаларга асосланган бу филмда ўз манфаати йўлида марҳумлар руҳини безовта қилишдан тап тортмайдиган, гоҳо таъзия маросимларини серчиқим тўйларга ўхшатиб, урф-одатларимиз мазмун-моҳиятини ўзгартириб юборётган кимсалар шош этилади.

Картинадаги ҳар бир ҳолат томошабинни мушоҳадага чорлайди. Кўриб кўрсаслик оладиган воқеаларга жиддий эътибор беришга қақиради.



Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 2-муолиши, 109-уйда жойлашган, 2009 йил 21 октябрда №004156-03 рақами билан Миробод тумани ҳокимлигида рўйхатга олинган “EKIPAJ UNIVERSAL SERVIS” (MCHJ) МЧЖ (ИНН 206736839) ўзининг Низом жамгармасини 24.900.000 сўмдан 6.598.500 сўмга камайтиради.

Усманова Мутабар номига 25.01.1993 йили берилган №04-02/8368 рақамли йўқолган давлат ордери **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳамза тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияда 07.08.2009 йили 002454-07 рақами билан рўйхатга олинган Ҳамза тумани, С.Азимов 1 проезде, 1-уй, 26-хонадонда жойлашган “ASHLAV BIZNES” хусусий корхонаси (ИНН 301285150) 31.07.2010 йилдаги ихтиёрий тугатиш ҳақидаги №1 рақамли қарор асосида **ТУГАТИЛАДИ.** Эътирозлар икки ой давомида кўйидаги телефонда қабул қилинади: 439-52-36.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти томонидан 2007 йили Талибов Умид Истамд-



“Мустақиллик — энг улуг неъмат”

Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан “Мустақиллик — энг улуг неъмат” мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Шоир ва ёзувчилар, маданият ходимлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда овоз ва обод Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва эъозлаш барчанинг инсоний бурчи эканлиги таъкидланди.

Тадбирда “Миллий хунармандчилигимиз — миллий қадриятларимиз бардавомлиги кафолати” мавзусида кўргазмалар ҳамда “Маҳаллий ва миллий тадбиркорлик” кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Тадбир доирасида уюштирилган “Миллий либослар”, “Моҳир кўллар”, “Тасвирий санъат” ва расм тўғараклари кўргазмалари йилгиланган эътиборини тортиди. Айниқса, ёш хунармандлар Гулноза Асанова яратган миллий кўғирчоқлар ва турли либослар меҳмонларга манзур бўлди. Шоирлар Истиклолимизни мадҳ этувчи янги шеърларидан ўқиди. Мустақиллик тенгдоши бўлган фаол ёшлар тақдирланди. “Гулшан” ва “Феруза” маданият уйлариининг бадиий хаваскор гуруҳлари она-Ватан, Мустақиллигимизни улғувчи дилрабо куй-қўшиқлари билан тадбирга ўзгача байрамона руҳ бағишлади.

Жаҳонгир ҚУРБОНОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси Сайфиддин Рафиқдиновга онаси

ОЙЖОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

жанович номига берилган В№308759 рақамли йўқолган диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Хусусий тадбиркор Исламов Хасан Атахомичнинг йўқолган думалоқ муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО “PSM GROUP” зарегистрированное в “Инспекции по регистрации субъектов предпринимательства” при Хокимияте Хамзинского района г.Ташкента, за реестровым номером № 002957-07 от 25.08.2010г, меняет наименование предприятия с ОАО “PSM GROUP” на ОАО РСООБ “PSM GROUP”. (ИНН-200547570, ОКОНХ 71150). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по телефону: 298-33-91. ОАО РСООБ “PSM GROUP” является правопреемником ОАО “PSM GROUP” по всем правам и обязательствам.

Тошкент давлат университети томонидан 1994 йили Атаева Адибаюн Кадамбаевна номига берилган №010352 рақамли йўқолган диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

“BINOKENT PLYUS FAYZ” МЧЖ Низом жамгармаси 55 000 000 сўмдан 50 000 000 сўмга камайганини маълум қилади.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган “DOMINANTA-PLYUS” хусусий корхонасининг хуқуқий мақоми “DOMINANTA-PLYUS” МЧЖ деб ўзгартирилади. Маълумот учун телефон: 237-55-65.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимида рўйхатга олинган “GULCHENRA ORION” (“GULCHENRA ORION” ХК) хусусий корхонаси (ИНН 300761121) таъсисчининг 11.08.2010 й. №1 рақамли қарори билан **ТУГАТИЛАДИ.** Эътирозлар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомида кўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Себзор, Ц-17/18 даҳаси, 34/65.

Миробод туманида рўйхатга олинган “XIDMA SANHA” МЧЖ Низом жамгармаси 11.800.000 сўмдан 5.700.000 сўмга камайганини маълум қилади. Маълумот учун телефон: 172-56-19.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЛОГИО: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИОНДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТЕУТ ТАРҚАТУВИН» АКЦИОНДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
 Кабулхона — 233-52-91 Электрон манзилмиз: info@uzas.uz
 Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
 Иجتимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4703, Буюртма Г — 848. Ҳажми — 5 Ҳосма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ТАШКИЛГА КЕЛГАН КЎЛЛАНМАЛАР ТАХЛИЛ ЭТИЛМАЙДИ ВА МУАЛЛИФЛАРГА ҚАЙТИРИЛМАЙДИ. Муаллифлар фикри тахрирчи нўтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи — Икбол КЎШШАЕВА
 Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

ЖУМА КЎНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН